



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

М. Т. Ахмедова¹, М. Ў. Деконова²

¹ Тошкент тиббиёт академияси «Педагогика ва психология»
кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

² Низомий номидаги ТДПУ «Бошланғич таълим факультети «Бошланғич
таълим педагогикаси» кафедраси доценти, педагогика фанлари номзоди

ШАХСНИ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИДА ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Аннотация: Ушбу мақолада муаллифлар томонидан инновацион таълим технологиялари асосида шахсни шаклланиши ва ривожланишида ўқувчиларни дарс жараёнида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материалларни ёдда сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, ўз фикрини мустақил баён этиш, дарс жараёнида барча ўқувчиларни баҳолаш имконияти борлиги ва аҳамияти ҳақида фикрлар баён этилган.

Калит сўзлар: инновацион таълим технологиялари, шахснинг шаклланиши, ривожланиш, ўқувчи, дарс жараёни, дарсдан ташқари, адабиёт, матн, ёдда сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, ўз фикрини мустақил баён этиш, ўқувчиларни баҳолаш.

Хозирги кунда таълим жараёнида интерактив методлар, инновацион технологиялар, педагогик ва ахборот технологияларини ўкув тарбия жараёнида қўллашга бўлган қизиқиш, эътибор кундан-кунга кучайиб бормоқда. Бунинг асосий талабларидан бири анъанавий таълимда ўқувчилар фақат тайёр билимларни ўзлаштиришлари керак бўлса, замонавий педагогик технологияда эгаллаш керак бўлган билимларни ўқувчиларнинг ўzlари излаб топишига, мустақил ўрганишга, хулоса чиқаришга ўргатади. Ўқитувчи бу жараёнда шахсни ривожланиши, шаклланиши ва тарбияланиши учун шароит яратиб беради.

Фан - техника тараққиётининг ривожланиши, ахборотларнинг кескин кўпайиб бораётганлиги ва улардан ўқитиш жараёнида фойдаланиш учун вақтнинг чегараланганлиги, шунингдек ёшларни хаётга мукаммал тайёрлаш талабларининг ортиб бораётганлиги таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш заруриятини келтириб чиқармоқда

Шунинг учун ҳам олий таълим муассасаларида ҳам замон талабига мос, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда янгича ўқитиш методлари, инновацион технологиялардан кенг фойдаланиб келинмоқда. Жумладан, таълим муассасасининг илғор педагоглари дарс жараёнида “Тармоқлар” (кластер), “Бумеранг”, “Скарабей”, “Веер”, “Блиц-ўйин”, “Ақлий хужум”, “Мулоқот” каби технологиялардан кенг фойдаланиб келишмоқда. Бу эса ўз навбатида ўқувчиларнинг билимли, етук, малакали кадр бўлиб этишишларини таъминлайди.

Юқорида номлари келтирилган инновацион технологияларнинг барчаси таълим самарадорлигини оширишга қаратилган бўлсада, она тили ва адабиёт фанларини ўқитишида мавзунинг ўқувчи онгига чукур етиб боришида, ўқувчининг мустақил фикрлаши, ижод этиши ва изланишга мажбур этишида педагог ва ўқувчининг ҳамкорлигини таъминлашда, рейтинг тизимида ўқувчиларни кўпроқ баҳолашда “Бумеранг” технологиясининг аҳамияти катта эканлигини инобатга олиб, қуйида ушбу технология ва уни дарс жараёнида кўллаш йўллари ва аҳамияти ҳақида тўхталиб ўтамиз.

Мазкур технология дарс жараёнида мавзууни чукур ва яхлит ҳолатда ўрганиш, ижодий ва эркин фикрни шакллантиришга қаратилган. У турли мазмун ва характердаги мавзуларни ўрганишга мўлжалланган. Бир дарс жараёнида ҳар бир иштирокчининг турли топшириқларни бажариши, навбат билан ўқувчи ёки ўқитувчи ролида бўлиши, керакли баллни тўплашига имконият яратади.

“Бумеранг” технологияси танқидий фикрлаш, мантиқни шакллантиришга имкон беради, хотирани кучайтиради, оғзаки ва ёзма нутқни ўстиришга хизмат қиласади.

Таълим билан бир қаторда мазкур метод тарбиявий характердаги қатор вазифаларни амалга оширишга хизмат қиласади:

- ✓ жамоа билан ишлаш маҳорати;
- ✓ хушфеъллик;
- ✓ кўникувчанлик;
- ✓ ўзгалар фикрига хурмат;
- ✓ фаоллик;
- ✓ раҳбарлик сифатларининг шаклланиши;
- ✓ ўзини холис баҳолаш.

“Бумеранг” технологияси қуидаги босқичларда амалга оширилади:

1 - босқич.

Ўқитувчи ўқувчиларни 5 – 6 кишидан иборат кичик гурухларга бўлади ва гурухдаги ҳар бир ўқувчига мустақил ўрганиш, фикрлаш ва ёдда сақлаб қолиш учун алоҳида - алоҳида ёзма тарқатма материал беради.

2 - босқич.

Берилган матнни гурух аъзолари якка тартибда алоҳида ўрганишлари, матнни эслаб қолишлари, бошқаларга гапириб беришлари ва иложи борича қўпроқ маълумотни эслаб қолишлари кераклиги ўқитувчи томонидан уқтирилади. Бу босқичда матннинг хажмига қараб 10 – 15 дақиқа вақт ажратиласди.

3 - босқич.

Ўқитувчи олдиндан тайёрлаб қўйилган рақамлар ёзилган кичик қофозларни ҳар бир гурух аъзоларига торттиради. Гурухлардаги барча тингловчилар рақамлар ёзилган қофоздан олишлари керак. Шу тариқа янги гурухлар тузилади, яъни, 1 рақамини олганлар битта янги гурух, 2 рақамини олганлар яна бир гурух ва ҳ.к. Гурух аъзолари янги гурухга ўтишда ўзлари ўрганган матнни олишади.

4 - босқич.

Рақамлар бўйича янги гурух тузилганда ҳар бир гурухда аввалги гурухлардан биттадан вакил йифилади, яъни 4 та гурухда 4 хил матн ўрганилган бўлса, умумий мавзу бўйича 4 тингловчи ва 4 хил матн тўпланади.

5 - босқич.

Янги тузилган ҳар бир гурух аъзоси энди бир вақтнинг ўзида ҳам ўқувчи, ҳам ўқитувчи вазифасини ўтайди. Ўқитувчи сифатида ўзи аввал ўрганган матнни бошқаларга гапириб беради, тушунтиради ва уларнинг ўзлаштириш даражасини аниқлайди.

Ўқувчи сифатида гурух аъзолари сўзлаб бераётган матнни тинглаб, эслаб қолади, хулоса чиқаради. Бу жараён учун 20 дақиқа вақт ажратиласди. Бу босқичда ўтилаётган янги мавзу тингловчилар томонидан ўзлаштирилган ҳисобланади.

6 - босқич.

Гурухлардаги барча тингловчилар ўз матнларини гапириб бўлишгач, ўқитувчи мавзунинг қай даражада ўзлаштирганлигини аниқлаш мақсадида савол – жавоб ўтказади. Шу тариқа янги мавзу мустаҳкамланади.

7 - босқич.

Ҳамма ўзининг дастлабки гуруҳига қайтади.

8 - босқич.

Ўқитувчи тингловчилар барча материал билан таниш эканлигини инобатга олиб, мавзу юзасидан савол - жавоб ўтказади ва рейтинг тизимида баҳолаб беради, масалан: тўлиқ жавоб – 5 балл, қўшимча – 4 балл, қисман жавоб – 3 балл ва ҳ.к.

9 - босқич.

Ушбу босқичда ўқитувчи тарқатма материаллар асосида тузилган саволлар билан ўқувчиларга мурожаат қиласди ва жавобларга қараб ҳар бир гурухни ва ўқувчининг балини ҳисоблаб боради.

10 - босқич.

Ўқитувчи ҳар бир гурухга ўз матnidан келиб чиқсан ҳолда савол тайёрлашни топшириб, 5 -7 дақиқа вақт ажратади.

11 - босқич.

Гурухлар бир-бирига савол бериб, гуруҳ аъзоларининг жавобини баҳолаб боришади.

12 - босқич.

Ўқитувчи томонидан ҳар бир ўқувчига иштироки ва жавоби учун баллар қўйилади ва дарсга якун ясалади.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, ушбу технология ўқувчиларни дарс жараённида, дарсдан ташқарида турли адабиётлар, матнлар билан ишлаш, ўрганилган материалларни ёдда сақлаб қолиш, сўзлаб бера олиш, ўз фикрини мустақил баён этиш, дарс жараённида барча ўқувчиларни баҳолаш имконияти борлиги билан аҳамиятлидир.

Адабиётлар:

1. Ахмедова, М. Т. (2016). Педагогик компетентлик. Т.: ТДПУ.
2. Axmedova, M. T. (2014). Pedagogik konfliktologiya. T.: TDPU.
3. Ахмедова, М., & Нарметова, Ю. (2022). Neyropedagogika va neyropsixologiya rivojlanib kelayotgan yangi fan sohasi sifatida. Общество и инновации, 3(2), 103-109.
4. Аскарова, Н. А. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг билиш жараёнларини коррекциялашга доир. 2015. *Педагогика журнали*, 4.
5. Ахмедова М., Нарметова Ю., Алишеров Б. (2021). Catigories человека в конфликте и методы разрешения конфликтов в возникновении конфликтов между медицинским персоналом.
6. Ахмедова, М. Т. (2020). ИНФОРМАЦИОННАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ ВО ВНУТРЕННЕЙ И ВНЕШНЕЙ ПОЛИТИКЕ ГОСУДАРСТВА. ЖУРНАЛ ПРАВОВЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ, (SPECIAL 2-1).
7. Baxranovna, R. M. (2022). BOSHLANG ‘ICH TA’LIM MATEMATIKA DARSLARIDA QADRIYATLAR ORQALI O ‘QUVCHILARNI MA’NAVIY TARBIYALASH. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(2), 130-135.Tursunaliyevna, A. M., & Karimovna, N. Y. (2022). MAKTABGACHA TARBIYA MUASSASALARIDA MADANIY-GIGIYENIK MALAKALARNI TARBIYALASH-BOLALAR ORGANIZMINING JISMONIY RIVOJLANISHIDA MUHIM VOSITA. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(1), 98-103.
8. Махсудов, В. Г. (2017). Гармоник тебранишларни инновацион технологиялар асосида ўрганиш («Кейс-стади», «Ассесмент», «Венн диаграммаси» мисолида). Современное образование (Узбекистан), (7), 11-16.
9. Махсудов, В. Г. (2022). Аниқ фанларни ўқитишда масалалар ечиш методларидан фойдаланиш алгоритми. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(2), 9-15.
10. Melibaeva, R. (2021). Bolalardagi giperfaollik va diqqat tanqisligi sindromi: sabablari, psixologik tashxisi.

11. Нарметова, Ю. (2014). Кўзи ожиз ва заиф кўрувчи болалар психологик хусусиятларининг ўзига хослиги.
12. Нурматов, А., & Бекмиров, Т. (2021). *Развитие креативности будущего учителя в процессе* (Doctoral dissertation, Тошкент).
13. Юлдашевна, Х., & Нарметова, Ю. К. (2022). РОЛЬ РЕЛИГИОЗНОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ВОСПИТАНИИ ДУХОВНО РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ СРЕДИ ДЕТЕЙ ИНВАЛИДОВ. INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL, 3(4), 114-117.
14. Umarova, S. (2021). Yoshlarda hadislar yordamida sabr toqatililik hususiyatini shakillantirish.
15. Холыгитова, Н.К. (2019). ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В УНИВЕРСИТЕТЕ. In *МИРОВАЯ НАУКА XXI ВЕКА* (pp. 12-15).
16. Akhmedova, M. T., Narmetova, Y. K., Nurmatova, I. T., & Malikova, D. U. K. (2022). Communicative Competence Formation in Future Teachers Based on an Integrated Approach. International Journal of Multicultural and Multireligious Understanding, 9(4), 54-60.